



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЎЮШГАН
ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ
ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон республикаси ИИВ Академияси 313-гуруҳ курсанти
Холдорбоев Ахмаджон Бозорбой ўғли

Аннотация: Уибу битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, профилатика инспекторининг уюшган жиноятчиликниң сабаблари ва шартшароитларини аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиши фаолияти тушиунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари, мазкур фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, ундаги муаоммо ва камчиликлар, шунингдек, бу соҳадаги айрим хорижий давлатларнинг илгор тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаши томонлари шунингдек, уибу фаолиятни такомилаштиришининг асосий йўналишлари ёритиб ўтилган.

Annotation: *The relevance of the research topic in this dissertation, the concept of the activities of the prevention inspector to identify and eliminate the causes and conditions of organized crime, and its specific features, as well as the organizational and legal basis of the activities of the prevention inspector to identify and eliminate the causes and conditions of organized crime. and shortcomings, as well as a number of proposals to address some of the existing problems and shortcomings, the best practices of other foreign countries in identifying the causes and conditions of organized crime and their elimination, as well as differences and similarities from our national legislation, as well as Using the above aspects, the main directions of improving this activity are highlighted.*

Мустақиллик йилларида Республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзийёв томонидан ички ишлар органлари тизимини такомилаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ички ишлар органларининг мамурий худудда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар режалари амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Ички ишлар органларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашда самарали натижаларга эришиш, миқдорини энг паст даражага тушуриш, салбий оқибатларини камайтириш учун уларнинг сабаб ва шароитларини атрофлича ўрганиш мухим аҳамият касб этади. Айнан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликниң сабаб ва



шароитларини ўрганиш ва умумлаштириш уларнинг содир этилишини тақазо қиласидиган, озиқлантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ходиса, воқеа ва жараёнларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбик этилш муҳим вазифа ҳисобланади.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳукуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳукуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ушбу мақсадларга эришишнинг энг муҳим шарти ҳукуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш ва белгиланган вазифаларни сифатли бажарилишини таъминлашдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида ахолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик, ҳукуқий онг ва маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 90-йилларда келтирилган маълумотларига кўра, ички ишлар органларининг “Уюшган жиноятчиликка қарши кураш” хизмати томонидан 1992 йили 1729 жиноий гурӯҳ ва уюшмалар фош қилинган. Бу гурӯҳ ва уюшмаларнинг аъзолари томонидан 54 та қасддан одам ўлдириш, 138 та босқинчилик ҳужуми ва кўплаб талончилик ва товламачилик жиноятлари содир этилган. Шундай жиноий гурӯҳ ва уюшмаларда қатнашган 4 мингдан ортиқ шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Олиб борилган тезкор ва кескин чоралар туфайли фақат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидагина 163 та жиноий уюшма тутатилган, 28 та жиноий авторитетлар ва жиноий уюшма раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилган.

Ҳар қандай жамиятда доимо жиноят содир этаётган шахсларга уларнинг бундай йўлни тақозо этган жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидағи воқея, ходиса ва жараёнларнинг руҳий таъсири билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш энг асосий ва долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Хусусан, ҳар қандай жиноят ўзига хос бўлган аломат ва белгилар йигиндиси билан таърифланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг амалий механизмини жорий этиш ҳукуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини келгусида ташкил этишнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликни олдини олиш фаолиятини ташкил этишда ички ишлар органларининг бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.



Шу боисдан, профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликни олдини олиш фаолиятини қуйидаги йўналишларда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ:

Биринчи йўналиш - жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда аксарият жиноятлар, ишсизлар ва пулга муҳтоҷ бўлган шахслар, гиёхванд ва сурункали ичқиликбозликка мубтало бўлган шахслар томонидан содир этилмоқда. Яъни аҳоли ўртасидаги ишсизликни бартараф этиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, фуқароларнинг турмуш тарзини яхшилаш ўз навбатида хукуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Иккични йўналиш - бу аҳолининг маънавий тарбиясини шакллантиришдаги чора-тадбирларни амалга ошириш. Аҳолининг сиёсийхукуқий, маънавий тафаккурида миллийлик ғурурини, фахрини этказиш масаласи қадимдан ҳозирги даврга қадар сиёсий-хукуқий таълимотларнинг бош ғояси бўлиб келган.

Учинчи йўналиш- илгари судланган шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш. Жиноятчиликка қарши кураш амалиётидан бизга маълумки, жиноятларнинг олдини олишда энг аввало илгари судланган шахсларга нисбатан таъсир кучига эга бўлган профилактик ишлар олиб борилади. Бундай ишлар орқали уларнинг ҳулқини тарбиялаш, уларда жамиятга нисбатан ижобий дунёқарашни шакллантириш, уларни жиноят содир этишдан қайташ уларга тарбиявий ва хукуқий чораларни кўлланилиши жиноятчиликка қарши курашда ўз самарасини беради.

Тўртингчи йўналиш- вояга этмаганлар ва ёшлар ўртасидаги хукуқбузарликларнинг олдини олиш. Мамлакатимизда хукуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, маданий, маънавий, ижтимоийиқтисодий, сиёсий ва хукуқий ислоҳотларни амалга оширишда хукуқий тарбия ва ҳуқиқий маданиятнинг ўрни жуда муҳимдир. Ҳар қандай мамлакат ўз келажагини болалар, вояга этмаган ёшлар тимсолида, аниқроғи уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб вояга этказиша кўриши табиийдир. Шу боисдан ҳам, республикамида болалар ва ёшларнинг баркамол инсон бўлиб, улғайишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини таъкидлаш лозим. Биз ёшлар учун уларнинг соғлом туғилишидан бошлаб, токи мустақил ҳаётга киргунича барча зарур шароитларни яратиб бериш мақсадида қандай катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум”, - деб мамлакатимизда ёшларга этарли шароитлар яратиб бериш борасида алоҳида эътибор бериб келинаётганлигини такидлаб ўтди.

Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Хукуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланиб, хукуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ушбу кунда тадбирларни



режалаштириш ва амалга оширишда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган эттида йўналиш белгилаб берилган бўлса-да, ҳанузгача ушбу қунга тайёрғанлик қўриш, уни режалаштириш, ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиб боришининг ҳуқуқий тартиби ишлаб чиқилмасдан келинмоқда.

Ушбу мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликни олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, шу жумладан профилактика инспекторлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникатсия технологияларини тўлиғича жорий этиш ва соҳавий хизматлар ўртасида электрон ахборот алмашиш тизимини ташкил этиш.
- Профилактика инспекторлари уюшган жинотчиликни аниқлаш ва олдини олишда холат бўйича мухим тезкор маълумотларни олиш учун ишончли шахслар ёрамидан фойдаланиш тизимини жорий этиш.
- Маҳалла ҳуқуқ тартибот масканида профилактика ҳисобда турувчи шахслар билан якка тартибдаги профилактик ишларни кучайтириш ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишга хизмат қиласди. Бу эса, уюшган жиноятчиликни олдини олишда мухим аҳамият касб этади.
- Содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равища таҳлил қилиш, уларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ўртасида ҳамкорликни самарали ташкил этишга қаратилган чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
- Ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва ҳукуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда назорат қилиш мақсадида жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш.
- Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш ва ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотишга қаратилган ишларни самарали ташкил этиб бориш.
- Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланганлиги муносабати билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ушбу кунда тадбирларни режалаштириш ва амалга оширишда ҳудудий профилактика инспекторлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим.
- Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан амалга оширилаётган ишлар доирасида ахборот технологияларидан фойдаланиш даражасини



International scientific-online conference: INTELLECTUAL EDUCATION TECHNOLOGICAL SOLUTIONS AND INNOVATIVE DIGITAL TOOLS



янада ошириш. Бу еса хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг самарасини оширшга хизмат қилади.

- Профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликни олдини олиш фаолиятини самарали ташкил этишда аҳолининг хуқуқий онги ва маданияти юксалтириш, айниқса тарғибот ва ташкивот ишларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.